



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

ҲУКУМАТ ВА ФУҚАРОЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ МУВОЗАНАТЛАШТИРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Овлақулов Н.А.

ТКТИ ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: оммавий ахборот воситалари, ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар, журналистлар, халқпарвар журналистлар, ҳукуматпарвар журналистлар, нейтрал журналистлар.

Ключевые слова: средства массовой информации, отношения между правительством и гражданами, журналисты, народные журналисты, проправительственные журналисты, нейтральные журналисты.

Key words: mass media, government-citizen relations, journalists, citizen journalists, pro-government journalists, neutral journalists.

Кириш. Бугунги кунда, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиши ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун энг аввало демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юқорилиги каби кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган мақсадларни раел ҳаётга тадбиқ этишда мамлакатнинг асосий бўғини ҳисобланган фуқаролар катта аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқадики, ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштирувчи омилларни ўрганиш, уларни тизимли таҳлил қилиш долзарб муаммо сифатида кўришимиз мумкин.

Тадқиқотларда назар соладиган бўлсак, ҳозирги, неоглобаллашув жараёнида жаҳоннинг бир қатор ривожланган давлатларида демократия батамом қарор топган, фуқароларнинг эркинлиги тўла таъминланган ёки

фуқароларларнинг хоҳиш-истаклари тўлиқлигича амалга ошган, деб айтиш қийин ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, ахборотлашган жамиятда инсониятнинг интеллектуал салоҳиятининг ошиб бориши билан бир вақтда, унинг, “абсолют” эркинликка ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам ўзгариб боришга, “мен”лигини мустақкамлашга бўлган интилишининг кучайиши ҳам содир бўлади. Бундай ҳолатлар манфаатлар заминидан томонларнинг, яъни инсон ва ҳукумат ўртасида маълум даражадаги қарама-қаршилиқлар, келишмовчиликлар ҳатто, тўқнашувлар ҳам давом этаверади. Уларни “юмшатиш”нинг асосий механизми эса ҳар иккала томоннинг эҳтиёжини ҳисобга олишга хизмат қилувчи муносабатларни шакллантириш ҳисобланади. Бу айниқса, давлат билан шахс, фуқаро билан жамият ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамиятга моликдир.

Дунёнинг илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ижтимоий-маданий технологияларнинг давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шахслараро мулоқотда инновацион ёндашувни шакллантириш, маданиятлараро диалогнинг янги босқичига ўтишдаги аҳамиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб бир қатор Европа мамлакатлари томонидан демократик қадриятларни шакллантириш орқали ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни таъминлашда эътибор қаратишга арзигулик ютуқларга эришилган. Манбаларда кўришимиз мумкинки, ушбу мамлакатлар ўз ҳудудида ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувозанатини таъминлашда бир қанча меъзонлардан фойдаланиш орқали эришилди. Жумладан, мамлакатда қонун устиворлиги, халқнинг давлат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонунларнинг қабул қилинишидан хабардорлиги; оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний тўғри ташкил этилганлиги ва ҳ.к.ларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу эса ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштирувчи омилларни янгича методологик ёндашувларга асосланган қарашларга бўлган заруратни кучайтирмоқда.

Тадқиқотларга эътибор берадиган бўлсак ахборотлашган жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти қонуний тўғри ташкил этилганлиги ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда аҳамиятли ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда ҳукумат ва фуқаролар муносабатларига таъсир ўтказётган оммавий ахборот воситалари журналистларининг фаолиятига қараб уларни уч гуруҳ бўлиш мумкин;

Биринчи гуруҳ халқпарварлар журнасилтлар, ижтимоий тармоқларда маълум аудиторияга эга бўлган, журнал ёки газетада фаолият олиб бора-



ётган журналистлар. Уларнинг диққати асосан ҳукумат камчиликлари билан банд, қонун устиворлигига катта урғу беради, ҳукумат томонидан амалга ошириладиган ислохотларга аҳамият беришмайди, аҳамият беришса-да кинояли ёритишга ҳаракат қилишади. Уларнинг фаолияти натижасида фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ишончи кундан-кунга заифлашиб боради. Бу турдаги журналист ёки блогерларга асосан сўз эркинлиги қафолатланган, демократик юксалишга эришётган ғарб мамкатларида учратиш мумкин. Ҳусусан, АҚШ да фолият олиб бораётган Tuser Carlson Youtube ижтимоий тармоғида 2 миллиондан ортиқ инсонлар рўйхатдан ўтган ва у асосан ўз мамлакатида ҳукумат аъзоларини қораловчи фикрлари билан халқ ичида танилган.

Иккинчидан, ҳукуматпарвар журналист, блогерлар. Уларнинг фаолияти фуқат ҳукумат аъзолари томонидан амалга ошираётган ишларни ёритишга қаратилган. Бази таҳрирчиларнинг фикрига қараганда улар мансабдор шахслар чизиб берган чизикдан чиқмасликки уринишади. Мамлакат ичидаги заиф соҳалар, этиборсиз ташлаб қўйилган ҳудудлар, аҳоли яшаш пунктларидаги камчиликлардан қаламани узокроқ тутишади. Уларнинг фаолияти иложи борича халқнинг ҳукуматга бўлган ишончини орттиришга қаратилган бўлади. Бундай журналистлар ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларига хавф остига қўйади ва асосан фуқаролар томонидан эътиборсиз қолдирилади.

Учинчи гуруҳ нейтрал журналистлар. Мамлакат сўз эркинлиги таъминланган, демократик давлатларда, асосан мамлакат ёки жаҳонда рўй бераётган долзарб муаммоларни борича тақдим этади, ҳукумат томонидан амалга ошириладиган ислохотлар ва камчиликларни борича ёритиб беради.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Америка Қўшма Штатларида ахборот фавқсизлигини таъминлаш мақсадида DARPA ташкилоти ҳодимлари томонидан яратилган ва ҳозирги кунга келиб оммавий ахборот воситаларининг асосий тармоғига айланган интернет яратилди. Маълумотларга қараганда бугунги кунга келиб интернет тармоғига уланган ускуналарнинг сони 27 млрд.дан ошган ва яқин йиллар ичида бундай ускуналар сони 40 млрд.га йетади. Бундан кўриниб турибдики, йилдан-йилга интернетдан фойдаланувчи инсонлар сони ошиб бормоқда. Бу эса оммавий ахборот воситаларини ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мувоzanатлаштиришдаги ўрнини янада муҳим восита сифатида шакллантирмоқда.

Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари вазибаларини ҳуқуқий тўғри йўлга қўйиш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш, уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиш ва шу билан бир қаторда улар ўзи тақдим этаётган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар этиб белгилаш лозимдир.

Хулоса. Тадқиқотлардан хулоса илиш мумкинки, ахборотлашган жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти қонуний тўғри ташкил этилганлиги ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда тутган ўрнини таҳлил қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонун устиворлиги таъминлаш ҳар бир мамлакат учун муҳимдир. Юқорида келтирилган тавсияларга амал қилмаслик сиёсатчилар ва инсонлар муносабатларни хавф остида қолдириши мумкин.

Адабиётлар:

1. Отамуратов, С. Фалсафа фанлари доктори Миллий ривожланиш. 2005 й.
2. Л. Е. Ильичева, А. В. Лапин. Доверие к власти и социально-политическая консолидация общества DOI 10.19181/nko.2022.28.3.4 EDN UZXUSM УДК 323.21.
3. Рахимов Шерзод Саидович. Жамиятни демократлаштиришда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш (Ўзбекистон ва Буюк Британия мисолида). Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. 2020 йил.
4. <https://advice.adliya.uz/uz/document/3190?keyword=>.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ижтимоий-гуманитар, сиёсий-ҳуқуқий фанлар соҳасида кенг муҳокама, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган оммавий ахборот воситалари ҳамда уларни ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг асосий омил сифатида таҳлил қилишга қаратилган. Мақолада оммавий ахборот воситалари ҳақидаги маълумотлардан бошланиб, уларнинг ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлардаги таъсири ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена социально-методологическому на анализ средств массовой информации как основного фактора в отношениях между правительством и гражданами, являющегося основой для широких дискуссий в области социально-гуманитарных, политических и юридических наук. Статья, начинается с информации о средствах массовой информации, с помощью жизненных примеров освещается их влияние на отношения между правительством и гражданами.

SUMMARY

This article is dedicated to the socio-methodological analysis of mass media as a primary factor in the relationship between the government and citizens, which serves as the foundation for extensive discussions in the fields of social sciences, humanities, politics, and law. The article begins with information about mass media and uses real-life examples to illuminate their impact on the relationship between the government and citizens.